

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**5231700 -Кадрлар менежменти бакалавриат таълим йўналишининг
малака талаблари**

Тошкент-2019



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети;
- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил «17» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

МУНДАРИЖА

T/р		бет
1.	5231700 – Кадрлар менежменти бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.2.	5231700 – Кадрлар менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
2.	5231700 – Кадрлар менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.2.	5231700 – Кадрлар менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари	6
3.	5231700 – Кадрлар менежменти бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.2.	5231700 – Кадрлар менежменти бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	10

1. 5231700 - Кадрлар менежменти бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

5231700 - Кадрлар менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) хамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидағи расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос малака (даражаси) 1-жадвалда келтирилган.

1 -жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даражаси)		
Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даражаси)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Кўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5231700 - Кадрлар менежменти** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги олий таълим муассасалари учун мажбурий талаблар мажмуасини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда асосий ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини хисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиши, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул - олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходим ва талabalari;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

-таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5231700 - Кадрлар менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5231700 - Кадрлар менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

5231700 - Кадрлар менежменти - иқтисодий салоҳият ва вазиятларни ўрганадиган идқтисодий фан соҳасидаги йўналиш бўлиб, кадрлар ишининг асосий тамойил ва усуллари, кадрлар сиёсатини мунтазам ўтказиш ва шакллантириш кўнимкаларига эга бўлиш, корхона ва ташкилотда кишилар билан ишлаш ва самарали кадрлар қарорларини қабул қилиш,

персонални бошқариш замонавий хизмати фаолияти, Ўзбекистоннинг ҳозирги иқтисодий ҳолатида кадрларни режалаштиришнинг асосий жараёнлари, ҳозирги корпорацияларда персонални саралашнинг илмий-услубий тамойиллари, персонални касбий йўналтириш ва меҳнатга мослаштириш, персоналнинг аттестация текширувани ташкил этиш ва ўтказиш, персоналнинг мансаби(карьера)ни бошқариш, касбий кўникмага, лавозим қобилиятларига йўналтирилган касб кўникмалари ҳамда миллий иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси ва йўналишлари мажмуасини ўз ичига олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чикқан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5231700 - Кадрлар менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

-иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқлари, шу жумладан ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, ассоциациялар, корпорациялар, концернлар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмалари, фермер ва дехкон хўжаликлари, агрофирмалар ва компаниялар, илмий - тадқиқот муассасалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чикқан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

5231700 - Кадрлар менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қўйидагиларни қамраб олади:

- корхона ва ташкилотлар, корпорация, ассоциация, концерн, компания ва тадбиркорликнинг турли соҳаларида ишлаш, ишни ташкил этиш ва бошқариш;
- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалариниг барча бўлинмаларида иқтисодчи, менежер ва бошқарувчи лавозимларида ишлаш;
- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари бўлинмаларининг иқтисодий ривожланиши учун тавсиялар ҳамда қисқа муддатли башоратлар ишлаб чиқиш;
- ходимларни бошқаришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш, лойҳалар ва таклифларнинг институционал, иқтисодий ва ижтимоий концепцияларини таҳлил қилиш;
- кадрлар менежменти бўйича ҳисобот ва ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маълумотларини иқтисодий таҳлил қилиш, амалий қарорлар қабул қилиш учун расмий билдиришномалар тайёрлаш ва уларни манфаатдор ташкилотларга тақдим этиш каби касбий фоалият турларини бажара олади.

1.2.3. 5231700 - Кадрлар менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш-иқтисодий;
- режали-иқтисодий;
- лойиха-таҳлилий;
- педагогик (умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида);
- кадрларни бошқариш.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чикқан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида маҳсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5231700 - Кадрлар менежменти таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- 5A231701 -Кадрлар менежменти ва Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган турдош бакалавриат таълим йўналишлари негизида магистратура мутахассислари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

- Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5231700 - Кадрлар менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

Бакалавр:

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистан ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳәётй нуктаи назарга;

- дунёкараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- ахборот йигиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш ўқув ва кўнікмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5231700 - Кадрлар менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- персонални бошқариш стратегияси ва кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш;
- кадрлар ишлари ва персонал маркетингини режалаштириш;
- ёш мутахассисларнинг меҳнатга мослашиши ва касбга йўналтиришни ташкил этиш;
- кадрларни касбий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

- кадрлар малакасини ошириш ва касбий қайта тайёрлашни ташкил этиш;
- меҳнат эстетикаси ва психофизиологияси талабларини кузатишни таъминлашда иштирок этиш;
- -хавфсиз меҳнат шароити, иқтисодий ва ахборот хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш;
- меҳнат муносабатларининг худудий масалаларини ҳал қилиш учун меҳнат тўғрисидаги меъёрий-хукуқий ҳужжатларни қўллаш қобилияtlарига эга бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш-иктисодий фаолиятда:

- кадрларни бошқаришнинг замонавий усусларини жорий қилиш;
- кадрларни бошқариш тизими ва технологияларини ишлаб чиқиш, асослаш ва татбиқ этишда иштирок этиш;
- ходимлар таркибини мувофиқлаштириш ва режалаштириш жараёнида иштирок этиш;
- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларининг барча бўлинмаларида менежер лавозимида ишлаш;
- кадрларни бошқаришда автоматлаштирилган ахборот технологияларидан фойдаланиш қобилияtlарига эга бўлиши лозим.

Режали-иктисодий фаолиятда:

- кадрлар билан режали ижтимоий ишларни амалга ошириш;
- ташкилотнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишда иштирок этиш;
- меҳнат жамоасини шакллантириш;
- меҳнат кўрсаткичларини, шу жумладан персоналга харажатларни иқтисодий таҳлил қилиш;
- кадрларни бошқаришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш қобилияtlарига эга бўлиши лозим.

Лойиха-таҳлилий фаолиятда:

- кадрларга эҳтиёжни аниқлаш ва прогнозлаштириш;
- ходимлар бўйича ташкилотнинг салоҳиятини таҳлил қилиш;
- ходимлардан оқилона фойдаланиш мақсадида уларнинг шахсий, ишбилармонлик ва касбий сифатларини ўрганиш;
- кадрларни бошқариш жараёни ва тизимини таҳлил қилиш;
- ташкилотда ижтимоий муносабатлар ва жараёнларни таҳлил қилиш қобилияtlарига эга бўлиши лозим.

Педагогик фаолиятда (умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида):

-умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий машғулотларни ўтказиш;

- умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан ўқув устахоналарида ўтказиш;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш ва тузиш;

- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан хамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилияtlарига эга бўлиши лозим.

Кадрларни бошқариш фаолиятида:

- меҳнат бозорини, кадрларни излаш, ёллаш ва танлашни ўрганиш;

- меҳнат шартномаларини расмийлаштириш, иш ҳақи ва имтиёзларни аниқлаш;
- ходимларни меҳнат жамоасига мослаштириш ва касбга йўналтириш;
- меҳнатни ташкил этиш, лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш;
- низоларни бошқариш ва меҳнат фаолиятини баҳолаш;
- карьерани режалаштириш ва касбий ўсишни бошқариш;
- ходимлар хавфсизлигини таъминлаш;
- меҳнат интизомига риоя қилишни бошқариш;
- -кадрларни ижтимоий ривожланишини бошқариш қобилияtlарига эга бўлиши лозим.

3. 5231700 - Кадрлар менежменти бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5231700 - Кадрлар менежменти бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг куйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва табиий илмий фанлар;
- умумкасбий фанлар;
- ихтисослик фанлар;
- қўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштирища талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар гуманитар ва табиий илмий фанлар блоки бўйича:

Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидағи гуманитар ва табиий-илмий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади;

Табиий илмий фанлар бўйича:

Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ходисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақида илмий тасаввурларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

коинотнинг табиий обьект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақида илмий тасаввурларни шакллантириш лозим.

Умумкасбий фанлар блоки бўйича:

математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуклар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

иқтисодий ғояларнинг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари, миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари, иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариши; статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиши; меҳнатни ташкил этиши, меҳнат бозорини ривожлантириши ва тартибга солиши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаши;

жаҳон иқтисодиёти ва ҳалкаро иқтисодий муносабатлар соҳасида маълумотлар ийфишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолашни билиши;

режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш, бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, пул, кредит, қимматли қофзлар, молия бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва уларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаши;

бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари, инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашнинг стратегик ва тактик усуслари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

корхонада самарали жамоани шакллантириши ва ривожлантириши, жамоанинг самарали ишлаш усусларини ривожлантириши, жамоавий меҳнат натижасида эришилладиган мувоффакиятларни рағбатлантириши;

корхонани бошқаришда замонавий лидерликнинг концептуал асосларидан фойдаланиши, корхонанинг ички ва ташки бозордаги рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган лидерлик стратегияларини ривожлантириши;

корхонада ходимларнинг инновацион фаолигини қўллаб-куватловчи муҳитни шакллантириши, ходимларнинг инновацион фаолиги натижасида эришилган кўрсаткичлар таҳлилини амалга ошириши, таҳлил асосида ходимларни рағбатлантира олиши;

жаҳондаги етакчи компанияларда ходимларнинг иш фаолиятини ташкил этиш тажрибаси тўғрисида назарий ва амалий билимларга эга бўлиши, маҳаллий корхонада ҳалкаро ишлаш андозаларидан келиб чиқсан ҳолда ходимлар фаолиятини бошқара олиши лозим.

Ихтисослик фанлар блоки бўйича:

Тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимлар, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;

корхонадаги бўлғуси раҳбар кадрларларда ўз устида ишлаш, юқлатилган вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли ва юқори масъулият билан бажариш, ходимларни самарали бошқариш каби хусусиятларни шакллантириши;

кадрлар менежменти соҳасининг назарий ва амалий асослари тўлиқ тасаввурга эга бўлиши, кадрлар бошқаришнинг замонавий ва самарали стратегияларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши;

таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига қўмаклашиши лозим.

Кўшимча фанлар блоки бўйича:

Таълим йўналиши талabalарнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича кўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

тайёрланадиган мутахассисларнинг рақобатбардошлигини таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фандастурлари сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нутай назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари бўйича:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанларининг маркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидаи белгиланади.

3.2. 5231700-Кадрлар менежменти бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юкори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юкори ҳажми ҳафтасига 30 соатгacha қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати турт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуидагича таксимланади:

назарий ва амалий таълим -	59,8 %;
аттестация -	8,8 %;
таътил-	14,2%;
малака амалиёти -	14,7 %;
битириув малакавий иши -	2,5 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Назарий таълим ҳажми “Ижтимоий соҳа, иқтисод ва хуқуқ” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуидагича таксимланади:

гуманитар ва табиий илмий фанлар	25,6 %;
умумкасбий фанлар	34,5 %;
ихтисослик фанлар	33,9 %;
кўшимча фанлар	6,0 %.

5231700 - "Кадрлар менежменти" бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг намунавий тузилиши

T.р.	Фанлар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Гуманитар ва табиий илмий фанлар	1416
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти	78
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	150
1.06	Хорижий тил	272
1.07	Жисмоний тарбия ва спорт	136
1.08	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	136
1.09	Иқтисодчилар учун математика	238
1.10	Эконометрика	136
2.00	Умумкасбий фанлар	3005
2.01	Иқтисодиёт назарияси	272
2.02	Микроиқтисодиёт	136
2.03	Макроиқтисодиёти	136
2.04	Статистика	272
2.05	Менежмент	136
2.06	Маркетинг	136
2.07	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	136
2.08	Молия ва кредит	272
2.09	Мехнат иқтисодиёти	136
2.10	Кадрлар бўйича қарорлар ишлаб чиқиш технологиялари	120
2.11	Мехнат ҳуқуқи	170
2.12	Ташкилот назарияси ва ташкилий хулқ	256
	<i>Танлов фанлари</i>	827
3.00	Ихтисослик фанлари	1502
3.01	Кадрларни стратегик бошқариш	204
3.02	Кадрлар менежменти	256
3.03	Персонал аудити ва назорати	256
3.04	Рекрутмент	136
3.05	Кадрлар хизматида иш юритиш	136
3.06	Персонал мотивацияси	136
3.04	<i>Танлов фанлари</i>	378
4.00	Қўшимча фанлар	395
	Жами	6318
	Малакавий амалиёт	1188
	Яқуний давлат аттестацияси	324
	Аттестация	1134
	Жами	2646
	ҲАММАСИ	8964

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

Таянч сўзлар:

Касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабхаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, самарали жамоа, жамоада самарали ишлаш усуллари, жамоавий меҳнат, ходимларни рағбатлантириш, рақобатбардошлиқ, замонавий лидерлик, лидерлик стратегиялари, ходимларнинг инновацион фаоллиги, ходимларнинг инновацион фаоллигини қўллаб-қувватловчи муҳит, ходимларнинг инновацион фаоллиги натижасида эришилган кўрсаткичлар таҳлили, инновацион фаолликни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси, халқаро ишлаш андозалари, кадрлар менежменти, кадрларни бошқаришнинг замонавий ва самарали стратегиялари, истеъододли кадрларни шакллантириш ва ривожлантириш, карьерани бошқариш.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон Миллий университети

Ректор

проф. А.Р.Марахимов



2019 йил « 04 » 08

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва
мехнат муносабатлари

Вазир ўринбосари



Б.Х.Умурзаков

2019 йил « 04 » 08

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар
таълим мини ривожлантириш маркази

Директор



З.Т.Хакимов

М.Ў

2019 йил « 15 » 08

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Ректор


проф. Б.Ю.Ходиев










М.Ў.

2019 йил « 15 » 08

Ижодий гурух раиси ва аъзолари
Ижодий гурух раиси ва ўринбосари

Ижодий гурух раиси	А.Т.Умаров	Иқтисодиёт факультети декани	
Ижодий гурух раиси ўринбосари	А.М.Содиков	Минтақавий иқтисодиёт кафедраси мудири	

Ижодий гурух аъзолари

Т/р	Ўқув фанлари (курслар)ининг номи	Таянч ОТМдан		Турдош ОТМдан, асосий кадрлар истеъмолчилиаридан	
		Ф.И.Ш., ловозими, иљмий даражаси ва унвони	Имзо	Ф.И.Ш., ловозими, иљмий даражаси ва унвони	Имзо
1.00	Ихтисослик фанлари				
1.01	Кадрларни стратегик бошқариш	Содиков А.М. иқтисодиёт фанлари доктори, профессор		Абдурахмонова Г.Қ. иқтисодиёт фанлари доктори, профессор	
1.02	Кадрлар менежменти	Бекмуродов Н.Х. иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент		Расулов Т.С. иқтисодиёт фанлари доктори, профессор	
1.03	Персонал аудити ва назорати	Джуманова Р.Ф. иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент		Ахмедов Т.М. иқтисодиёт фанлари доктори, профессор	
1.04	Рекрутмент	Адилов Б.Б. иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент		Расулов Т.С. иқтисодиёт фанлари доктори, профессор	
1.05	Кадрлар хизматида иши юритиши	Файзиева Ш.Р. иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент		Якубов И.А. иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент	
1.06	Персонал мотивацияси	Адилов Б.Б. иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент		Якубов И.А. иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент	

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассисислиги) битириувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура)		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассисислиги) битириувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1.	5231700	Кадрлар менежменти	<p>Битириувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - кадрлар менежменти соҳасидаги касбий билимларини амалда қўллаш; - кадрлар менежменти соҳасидаги билимларни эгаллаш; - билимлари ва маҳоратларидан сифатни таъминлаш ва бошқаришда фойдаланиш; - персонални бошқариш стратегияси ва кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш; - кадрлар ишлари ва персонал маркетингини режалашибтириш; - ёш мутахассисларнинг меҳнатга мослашиши ва касбга йўналтиришни ташкил этиш; - кадрларни касбий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиша иштирок этиш; - кадрлар малакасини ошириш ва касбий қайта тайёрлашни ташкил этиш; - кадрларни бошқаришнинг замонавий усулларини жорий қилиш; -кадрларни бошқариш тизими ва технологияларини ишлаб чиқиш, асослаш ва тадбик этишда иштирок этиш; - ходимлар таркибини мувофиқлашибтириш ва режалашибтириш жараёнида иштирок этиш; - кадрлар менежменти соҳасидаги фаолияти натижаларини тўғри баҳолай олиш; - кадрлар менежментининг самарали усулларини танлаш ва ташкил этиш; - бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш; -кадрлар менежментини такомиллашибтириш бўйича инновацион ишланмалар, маълумотларни излаб топиш ва уларни ишлаб чиқаришда қўллаш; <p>менҳат жамоасини бошқаришда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва замонавий бошқарув усулларини қўллаш;</p> <p>-атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, хаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, жароҳатланиш ва касбий касалликларни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни билиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - иш сифати учун масъулиятни хис қилиш, ўз билимлари ва маҳоратларидан сифатни бошқариш бўйича фойдалана олиш; - инновацион гоялардан фойдаланишга тайёр бўлиш.
2.	5231700	Кадрлар менежменти	<p>Кадрлар менежменти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай бўлиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юкори даражада бажариши керак.</p> <p align="center">Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> - кадрлар менежменти соҳасидаги касбий билимларини амалда қўллаши; -индивидуал ва гурухларда ишлаши; - фан ва техниканинг замонавий ривожланиш шароитларида кадрлар

		<p>менежменти соҳасидаги янги билимларни тезкор эгаллаши;</p> <ul style="list-style-type: none"> - кадрлар менежменти соҳасида тезкор қарорлар кабўл қилиши; - кадрлар менежменти соҳасидаги амалий дастурий воситаларни амалиётда қўллаши; - билим ва маҳоратларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқариш сифатини таъминлаш ва уларни бошқаришда қўллаши; - кадрлар менежменти соҳасидаги фаолияти натижаларини тўғри баҳолай олиши; - мустақил равишда илмий-тадқиқот олиб бориш; - илмий ҳамда илмий-техник адабиётларни ўрганиш, тизимли мустақил таҳлил тайёрлаш ва тадқиқот мавзуларига хуносалар бера олиши; - илмий-тадқиқот натижаларини умумлаштириш, замонавий ахборот-коммуникацион технологияларини қўллаган ҳолда илмий нашрларни тайёрлаши; - замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялар, ўкув тарбиявий фаолиятнинг интерактив методларини қўллаган ҳолда педагогик фаолиятни олиб бориши; - маҳсус фанларни ўқитиш методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириши; -мутахассислик фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориши, ўкув-таништирув, ишлаб чиқариш-технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилиши; - ўкув-услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўкув ишчи фан дастурларини, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиши ва бошқа ўкув-услубий хужжатларни тайёрлаши; - талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланиши; -уз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош соҳаларга самарали мослаша олиши керак.
--	--	---

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва
мехнат муносабатлари вазир ўринбосари

Б.Х.Умурзаков



Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4359-сонли қарори ва 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори, 2017 йил 19 июндаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 407-сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сонли қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширилиши бўйича “Олий таълим йўналишлари ва мутахассислиги Классификатори”даги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислиги бўйича ишлаб чиқилган малака талабларини турдош Олий таълим муассасалари билан

КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

КУН ТАРТИБИ:

1. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети ишчи гурӯҳи томонидан тайёрланган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359-сонли қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сонли қарори ва 2017 йил 19 июндаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 407-сонли буйруқларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 5232300 - “Минтақавий иқтисодиёт”, 5231700 – “Кадрлар менежменти” таълим йўналишлари, 5A231701-“Кадрлар менежменти” магистратура мутахассислиги бўйича малака талабларининг муҳокамаси.

Сўзга чиқди: проф.Д.Джумабов – маълумки, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторини таҳлил қилиш

жараёнида баъзи таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг номлари ўзгартирилди. Юқоридаги сабабга кўра ушбу йўналиш ва мутахассисликлар бўйича янги ўкув режаларини хорижий тажриба асосида яратиш зарурияти туғилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрел “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 30 майдаги “2017-2018 ўкув йили учун ўкув режа ва фан дастурларини тайёрлаш тўғрисида”ги 2017 йил 19 июндаги 356-сонли қарори ва “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 407-сонли буйруқларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ишчи гурӯҳ профессор-ўқитувчилари томонидан, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ 5232300 - “Минтақавий иқтисодиёт”, 5231700 – “Кадрлар менежменти” таълим йўналишлари, 5A231701-“Кадрлар менежменти” магистратура мутахассислиги малака талаблари ишлаб чиқилаётганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган малака талаблари тўғрисида мажлис қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

Эшитилди: доц.Д.Талипов – университет ўқув-услубий бирлашмаси томонидан университетдаги барча кафедра мутахассислари ва турдош олий таълим муассасаларидан мутахассис профессор-ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда 5232300 - “Минтақавий иқтисодиёт”, 5231700 – “Кадрлар менежменти” таълим йўналишлари, 5A231701-“Кадрлар менежменти” магистратура мутахассислиги малака талаблари кўrsatilgan direktiv xujjatlariga asoslaniб қайta iшlab chиқildi.

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича мажлисда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида муҳокамадан сўнг

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети ишчи гурӯҳи томонидан тайёрланган 5232300 - “Минтақавий иқтисодиёт”, 5231700 – “Кадрлар менежменти” таълим йўналишлари, 5A231701-“Кадрлар менежменти” магистратура мутахассислиги Малака талабларини ишлаб чиқиша: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарорига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарори, Вазирликнинг “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топширифи ижроси тўғрисида”ги 2016 йил 11 февралдаги 66-сонли буйруғи билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастуридаги 14-бандининг ва 2016 йил 1 мартағи “Халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилаётган таълим йўналишлари,

